Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 11-iyun, seshanba № 70 (3263)

Бир олам таассуротлар билан

Бухорода «Универсиада — 2013» мусобақалари якунланди.

Бухорода мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилган «Универсиада — 2013» мусобақаларининг республика босқичи якунланди. Ёшлик, дўстлик, баркамоллик, шижоат ва гўзалликни ўзида мужассам этган ушбу спорт байрами иштирокчилар, мезбонлар ва меҳмонлар ҳаётида ўчмас из қолдирди, десак асло муболаға эмас. Мусобақалар вилоят марказида ўтказилган бўлса-да, унинг шукуҳи, тароватти, қувончи ва ҳаяжонлари барча шаҳар ҳамда туманларда ўз аксини топди. Айниқса, мамлакатимиз Президентининг «Универсиада — 2013» спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табриги ёшларимиз қалбида ғурур ва ифтихор туйғуларини жўш урдириб, уларни янги марралар сари чорлагани беллашувлар жараёнида яққол сезилиб турди.

Айтиш жоизки, соғлом ва баркамол авлод давлатимиз тинчлиги ва истиқболи, халқимиз фаровонлиги, турмушимиз ободлигини таъминловчи қудратли куч саналади. Ёшларимизни жисмонан соғлом, маънан етук қилиб тарбиялашга қаратилган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бугун ўзининг самарасини бераётир. Юртбошимиз ташаббуси билан Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ узлуксиз таълимда оммавий спортни ривожлантиришнинг уч бўғиндан иборат яхлит тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақалари шакллантирилди. Ушбу тизим туфайли мамлакатимизда оммавий спорт янада ривожланиб, ўнлаб, юзлаб маҳоратли ёшларимиз қитъа ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, юртимиз байроғини сарбаланд қилмоқда.

Мамлакат талаба ёшларининг кичик олимпиадаси мақомини олган ушбу тадбирнинг сўнгги 11 йил ичида иккинчи марта Бухорода ўтказилиши шарофати ила вилоятда бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари янада кенг қулоч ёйди. Жумладан, бағрига 20 мингдан ортиқ томошабинни сиғдира оладиган, мусобақаларнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари, енгил атлетика беллашувлари ўтказилган «Бухоро» спорт мажмуаси халқаро талаблар даражасида қайта таъмирланди. Бухоро давлат университети ва муҳандислик-технология институтида замонавий лойиҳалар асосида муҳташам спорт заллари қурилди, талабалар стадиони, турар жойлари, ошхоналари янгича қиёфа касб этди.

(Давоми 4-саҳифада).

САЁҲАТ



«Касаба сайр»нинг сифатли хизмати

Ўтган йили ЎзКУФК Раёсатининг «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тасарруфидаги «Касаба сайр» шўъба корхонасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Қарорга асосан шўъба корхона аҳоли ва ташкилотларга туристик хизматлар кўрсатиши, мамлакатимиз ҳамда халқаро миқёсда фаолият олиб бориши лозим. Шу кунгача қарор ижроси юзасидан қатор ишлар қилинди. Турли йўналишлар бўйича сайрлар амалга оширилмоқда.

— Шўъба корхонамиз давлат рўйхатидан ўтиб, турли йўналишлар бўйича сайрлар уюштириш учун лицензия билан таъминланди, — дейди корхона директори Тўлқин Хидиров. — «Касаба сайр» мамлакатимиз вилоятлари туман ва қишлоқлари, тарихий обидалари, мустақиллик йилларида бунёд этилган диққатга сазовор иншоотлар ва боғлар бўйлаб кўплаб йўналишларда сайр ташкил этиш билан бир қаторда, 28 та хорижий мамлакатга ҳам туристик гуруҳларни олиб бориш имкониятига эга. Бунинг учун бир неча тилларни мукаммал биладиган, юртимиз тарихи, географиясини чуқур ўрганган ҳамда туристлар билан ишлаш малакасига эга етук мутахассислар иш олиб боришаяпти. Бундан ташқари, Германия Федератив Республикаси, Жанубий Корея, Озарбойжон, Россия Федерацияси каби давлатлар билан тиббий туризмни ривожлантириш юзасидан келишувларимиз мавжуд. Бу йўналишларни ўзлаштириш борасида қизғин жараён кетаяпти. Корхонамиз томонидан илк маротаба 29-30 май кунлари сайрлар уюштирилди. Навоий вилоятининг Томди, Учқудуқ ва Конимех туманларидаги умумтаълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда маданият муассасаларида меҳнат қилувчи 37 нафар кам таъминланган ходимнинг Самарқанд шаҳрига оилавий дам олиши ташкил этилди.

(Давоми 4-саҳифада).

БОР БЎЛ, ОҚИБАТ!

Ҳар бир болага меҳр, эътибор!

Юртимизда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунининг кенг нишонланишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳам муносиб ҳисса қўшди. Жумладан, «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси эълон қилиниб, унинг доирасида Ғафур Ғулом номли маданият ва истироҳат боғида қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда «Ҳар бир болага меҳр, эътибор!» шиори остида тадбир ўтказилди.

Унда Федерация Кенгаши томонидан Меҳрибонлик уйларининг 61 нафар тарбияланувчисига болалар соғломлаштириш оромгоҳларига бепул йўлланма, эҳтиёжманд оилаларнинг 11 нафар фарзандига совғалар тақдим этилди.

Шу билан бир қаторда, республикамизнинг барча ҳудудларидаги касаба уюшма ташкилотлари томонидан «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасидаги тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 10318 нафар «Меҳрибонлик» уйлари, «Болалар шаҳарчаси» тарбияланувчилари, ота-онасиз қолган болалар, ногирон болалар ва кам таъминланган оилалар фарзандларининг Ҳайвонот боғи, Ботаника боғи, маданият ва истироҳат боғлари, қўғирчоқ театри, цирк, музей, тарихий обидалар, сузиш ҳавзаси ҳамда хайрия концертларига бепул ташрифи ташкил этилди.

Шунингдек, 522 нафар иқтидорли бола, фан олимпиадалари ғолиблари оромгоҳларга, Республика болалар ижтимоий мослашуви марказидаги 6 нафар бола оналари билан биргаликда дам олиши учун касаба уюшмалари тизимидаги «Косонсой» санаторийсига бепул йўлланмалар билан таъминланди.

Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан «Мурувват» уйларидаги имконияти чекланган болалар ўртасида ўтказилган спорт мусобақалари ғолиби бўлган жамоалар — «Мурувват» уйларига компютер ва телевизор ҳадя этилди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ташаббуси билан 2 июн куни «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оила фарзандлари учун «Туркистон» саройида ташкил этилган концерт дастурига хайрия ёрдами кўрсатилди.

Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 2957 нафар фарзандига байрам совғалари, ўқув қуроллари, спорт жиҳозлари, китоблар топширилди. «Меҳрибонлик» уйлари, мактаб-интернатларга ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

«Ҳар бир болага меҳр, эътибор!» шиори остида «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида ўтган тадбирларга касаба уюшмалари маблағидан жами 308,9 млн. сўм сарфланди.

Эътиборхон РАҲМОНОВА,
ЎзКУФК маданий-маърифий ишлар бўлими бош мутахассиси

БУГУНГИ ЁШЛАР

Юртимизда ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, истеъдодлиларни рағбатлантириш борасидаги хайрли ишлар йилдан-йилга кенг қамров касб этмоқда. Бу каби саъй-ҳаракатларда касаба уюшмаларининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Ташаббус қанот ёзаверсин

Яқинда Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Ёшлар кенгаши ҳамда Турин политехника университети ҳамкорлигида яна бир хайрли ташаббусга қўл урилди, яъни «Ёш робототехниклар» танлови ўтказилди.

— Биз даставвал автомобилсозлик ва мехатроникага ихтисослашган коллежларда семинар-тренинглар ташкил этдик, — дейди Турин политехника университети 3-босқич талабаси, Ёшлар кенгаши аъзоси Олимжон Тўйчиев. — Бу танлов биринчи марта ўтказилаётгани боис тажриба сифатида тизимдаги айрим коллеж ва лицейлар қамраб олинди. Ўқув муассасаларида ўтказилган тренинглар пайтида энг иқтидорли 20 та ўқувчи орасидан тест орқали 6 нафари сараланди ҳамда республика босқичига тўртта жамоа таклиф этилди.

(Давоми 2-саҳифада).

МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАР

Меҳнат муҳофазаси

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 30 майдаги қарори билан Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси билан ҳамкорликда имзоланган қўшма тадбирлар режаси бўйича амалга оширилаётган устувор масалалар белгилаб олинди.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида яқинда Навоий шаҳрида «Зарарли ишлаб чиқариш омилларининг ходимлар ва табиатга таъсири» ҳамда «Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш ва бу борада жамоат назоратини амалга ошириш» мавзусида минтақавий семинар бўлиб ўтди.

(Давоми 2-саҳифада).

Янгиликлар оқимидан

СИРДАРЁ

Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан 2013 йилда кичик корхоналарни ташкил этиш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, пуллик хизмат турларини кенгайтириш ишларини давом эттириш мақсадида бирлашма биносининг бир қисмида дурадгорлик фаолиятини ташкил этиш ҳисобига 2 та янги иш ўрнини яратиш юзасидан таклиф ишлаб чиқилди.

ЯНГИ ИШ ЎРНИ

Жорий йилнинг шу даврига қадар касаба уюшма маблағлари ҳисобидан Сирдарё вилоятидаги 8 та туман ва шаҳардаги кам таъминланган 11 та оилага 200 бошдан, жами 2200 та парранда тарқатилиб, уй шароитида 11 та янги иш ўрни яратилди. Йил охирига қадар бирлашма биносининг бўш турган қисмини ижарага бериш йўли билан яна 2 та янги иш ўрни яратилади.

Озода МАМАДАЛИЕВА

АНДИЖОН

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Андижон вилоят филиали ҳамда вилоят ҳокимлиги томонидан сузиш спорт тури бўйича хорижлик мутахассис, жаҳон сузиш ассоциацияси эксперти, Украинада хизмат кўрсатган мураббий В.Нагиев вилоятда иш бошлади.

ХОРИЖЛИК МУРАББИЙ ЭЪТИРОФИ

Хорижлик мутахассис андижонлик ёш спортчилар имкониятини юқори баҳолаб, бу ерда яратилган шароит кўнгилдагидек эканлигини эътироф этди.

Абдулҳай ЮНУСОВ

ХОРАЗМ

Қўшкўпир туманидаги 3-мактаб ҳовлисидаги гуллар, яшнаб турган манзарали дарахтлар сизни мафтун этмасдан қолмайди.

ОБОД ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ

— Теваракни алоҳида номлар билан атаймиз, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Манзура Матқурбонова. — Масалан, битирувчилар боғи, устозлар боғи. Ҳар бир синфга алоҳида жой ажратилган. Ҳар бир ўқувчи дарсдан чиқиб ўзига ажратилган жойда ишлаб, боғ парваришига ҳисса қўшади. Бу ёшларимизда табиатга меҳр уйғотади, деб ўйлайман.

Ушбу даргоҳ таълим муассасалари орасида уюштирилган «Обод таълим муассасаси» кўрик-танловида туман бўйича 1-ўринни қўлга киритди.

М. ТИЛЛАЕВА

Ishonch
2013-yil 11-iyun № 70 (3263)

Ташаббус қанот ёзаверсин

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Танловни янада оммалаштириш учун вилоятларнинг чекка қишлоқларидаги ўқув масканларида таълим олаётган ёшларни кўпроқ жалб этишни мақсад қилганмиз.

Танлов доирасида бир ҳафта давомида ўқув машғулотлари ўтказилди. Шунингдек, пойтахтимиз бўйлаб саёҳат ташкил этилди. Роботлар тақдимоти натижаларига кўра, 1-ўрин Турин политехника университети қошидаги академик лицей вакиллари, 2- ва 3-ўрин Асака ва Самарқанд автомобилсозлик касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига насиб этди. Танловда Қўнғирот қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи жамоаси ҳам фаол иштирок этди.

— Тадбир асноси кейинги изланишларим учун керакли тавсия ва кўникмаларни олдим, — дейди Самарқанд автомобилсозлик касб-ҳунар коллежи талабаси Комил Жўрақулов. — Қолаверса, ўзим ўйлаб топган, автомобил ишлаб чиқарувчи корхоналар учун мослаштирилган роботни йиғилганлар эътиборига ҳавола этдим. Ниятим — келажакда катта илмий изланишлар олиб бориш.

Ёш кашфиётчиларга Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

Завқ бор, шукуҳ бор

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгашига қарашли 5 та ёзги болалар оромгоҳи ва «Қўнғирот» профилакторийсида жорий мавсумда соҳа меҳнаткашларининг 6800 нафар фарзандини соғломлаштириш режалаштирилган.

Тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёргарликни баҳорнинг дастлабки ойидан бошлади. Компания қарамоғидаги оромгоҳларни мавсумга тўлиқ ҳозирлаш борасида кенг кўламли тайёргарлик, таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Мисол учун, «Қибрай», «Бурчмулла», «Темирйўлчи» оромгоҳларидаги павильонлар қайтадан реконструкция қилиниб, янгидан бунёд этилди. Оромгоҳларнинг маиший хизмат кўрсатиш масканлари янги анжом ва жиҳозлар билан таъминланди. Шунингдек, Оролбўйи болалари учун Қўнғиротдаги профилакторий, Тошкент вилоятининг сўлим тоғ бағридаги «Янги авлод» ва Самарқанддаги «Дўстлик» оромгоҳлари тайёрлаб қўйилди.

5 июн куни оромгоҳларга дастлабки дам олувчилар қабул қилинди.

— Темирйўлчи ва транспорт қурувчиларининг фарзандлари ёз мавсумида соғломлаштирилади, — дейди Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Қутлимурот Собиров. — Оромгоҳларга малакали педагог ва тарбиячилар, тиббиёт ходимлари, спорт йўриқчиларини жалб этишга катта эътибор қаратилди. Фарзандларимиз «Бурчмулла» оромгоҳида 3 навбатда, қолган оромгоҳларда 4 навбатда, «Қўнғирот» профилакторийсида 5 навбатда дам олишади. Обод турмуш йили муносабати билан кам таъминланган, кўп болали ва ёш оилалар, компания тизимидаги ногирон ходимлар ҳамда қишлоқ тумаларида яшайдиган ишчи-ходимлар, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларини соғломлаштириш ва уларга бепул йўлланмалар бериш режалаштирилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳар йили экологик оғир шароитда яшаётган Оролбўйи минтақаси темирйўлчилари фарзандларини соғломлаштиришга катта эътибор қаратилади. Бу йил ҳам анъана давом эттирилмоқда. Оролбўйи болалари таътилни жорий йилда Тошкент вилоятининг сўлим «Қибрай» оромгоҳида ўтказишади. Уларга йўлланмалар бепул берилди. Бунинг учун эса «Ўзбекистон темирйўллари» ДАК томонидан 15 млн. сўм миқдорида маблағ ажратилди.

Бу йилдан эътиборан барча оромгоҳларда Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридан келиб чиқиб, хорижий тилларни ўрганишга ихтисослашган махсус тўгараклар фаолияти йўлга қўйилди.

Болаларни бадиий адабиётлар ва спорт анжомлари билан таъминлаш учун ҳар бир оромгоҳга бир миллион сўмдан, «Қўнғирот» профилакторийсига 2 миллион сўм ажратилди.

Дам олиш масканларида Ўзбекистон темирйўллари тасарруфидаги «Локомотив» МЖСК мутасаддилари томонидан мусобақалар уюштириб борилади. Марказий темирйўлчилар Маданият саройи ҳам турли маданий-маърифий тадбирлар билан болаларнинг сермазмун дам олишига муносиб ҳисса қўшади.

Болаларнинг кўнгилдагидек дам олишини назорат қилиш ва уларга лозим бўлганда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳар йилгидек тармоқ Марказий кенгаши ходимлари барча оромгоҳларга бириктирилди.

Адҳам ДАМИНОВ

НОДАВЛАТ СЕКТОРДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг меҳнаткашлар ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоялашдаги саъй-ҳаракати нодавлат сектордаги корхона ва ташкилотларни касаба уюшмаларига жалб этишда катта таъсир кучига эга бўлиб, муайян ўсишлар кўзга ташланмоқда.

Аъзолар кўпаймоқда

Жумладан, Қашқадарё вилоятида 2012 йилда 239 та нодавлат секторга мансуб ташкилот ва муассасалар касаба уюшмасига жалб этилиб, уларда меҳнат қилаётган 5904 нафар ходимнинг ижтимоий-иқтисодий манфаати ҳимояга олинган эди. Жорий йилнинг май ойига қадар 102 та ташкилотдан 973 нафар ходим касаба уюшма аъзолигига қабул қилинди.

Кўрсаткичлар яхши томонга ўзгараётган бўлсада, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан масалага танқидий кўз билан қаралиб, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Ҳар бир тармоқ ва туман кенгашларига туман, шаҳар статистика бўлимларидан янги тузилган корхона, ташкилот ва муассасалар тўғрисида маълумотлар олиниб, касаба уюшма аъзолигига қабул қилиш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш ва бу борада аниқ манзилли дастур ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Янги жалб қилинган ташкилотларга касаба уюшманинг барча йўналишлари бўйича амалий-услубий ёрдам берилиб, уларнинг таъсис йиғилишлари баённини тўғри расмийлаштиришга эришишлари бўйича зарур ишлар олиб борилмоқда.

Козим АТАБОЕВ,
Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мутахассиси

Меҳнат муҳофазаси

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Тадбирда Жиззах, Самарқанд, Бухоро ҳамда Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудирлари, шунингдек, вилоятдаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари, касаба уюшмалари раислари ва мутахассислар қатнашди.

«Қизилқумцемент» ОАЖга қарашли «Цементчи» сиҳатгоҳида давра суҳбати тарзида ташкил этилган мазкур тадбирда қатор долзарб масалалар ўртага ташланди. Жумладан, Навоий вилояти ҳудудидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат шароитларининг ҳолати, зарарли ишлаб чиқариш омилларининг ходимларга таъсири ва корхоналарда тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Шундан сўнг мутахассисларнинг «Зарарли ишлаб чиқариш омилларининг табиатга таъсири», «Меҳнат шароитларини яхшилаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ижтимоий шерикликнинг самарадорлигини ошириш масалалари» мавзуларидаги маърузалари тингланди.

— Дастлабки семинар учун саноат шаҳри Навоий танланганлиги бежизга эмас, — дейди ЎзКУФК меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси Ю.Ядгаров. — «Қизилқумцемент» ОАЖ, «Навоийазот» ОАЖ сингари йирик корхоналарда меҳнат муҳофазасини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ўйлайманки, бугунги семинар ишлаб чиқариш корхоналарида ходимлар ва атроф-муҳитга таъсир этувчи зарарли омилларни камайтириш, шу орқали бахтсиз ҳодисалар, касб касалликларининг олдини олишда, албатта, қўл келади. Иш берувчиларнинг масъулиятини оширишда давлат назорат идоралари ҳамда жамоат ташкилотларининг ҳамкорликда иш юритиши ниҳоятда муҳим. Меҳнатни муҳофаза қилиш, она табиат мусаффолигини таъминлаш ва шу йўл билан аҳолига қулай меҳнат шароитини яратишга масъулмиз.

Семинар қизғин савол-жавобларга бой тарзда кечди. Куннинг иккинчи ярмида иштирокчилар «Қизилқумцемент» ОАЖдаги ишлаб чиқариш жараёни, меҳнат муҳофазаси бўйича яратилган шарт-шароитлар билан танишишди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

«Гулғунча»

Узун туманидаги 1-умумтаълим мактаби маъмурияти болаларни ёзги таътилда мароқли дам олдиришни мақсад қилган. Шу ниятда жамоада меҳнат қилаётган кам таъминланган педагог ходимларнинг фарзандлари учун «Гулғунча» номли кундузги оромгоҳ ташкил этилди.

10 кун давомида фаолият кўрсатган оромгоҳда олий ва ўрта махсус маълумотга эга тарбиячи ҳамда етакчилар иш олиб борди. Мактаб кутубхонаси, бадиий гимнастика хонаси, ҳамшира хонаси, шахмат-шашка тўгараклари муттасил фаолият кўрсатди.

Оромгоҳнинг ёпилиш маросими тантанага айланди. Мактабда ташкил этилган «Гулдаста» фолклор дастаси даврага файз киритди. 25 нафар дам олувчи таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Узун туман кенгаши томонидан вилоят қўғирчоқ театрига таклиф этилди. Бир сўз билан айтганда, ўқувчиларнинг дам олиши кўнгилдагидек ўтди.

Д.ТЎЙЧИЕВ

БОШЛАНҒИЧЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Теран нигоҳ

Коллежимизда ёшларни етук мутахассис этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада касаба уюшма ташкилотимиз ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётир.

Жамоа шартномасида белгиланган чора-тадбирлар асосида талабалар турар жойи таъмирланди, хоналар замонавий жиҳоз ҳамда янги русумдаги ўқув-техника воситалари билан таъминланди. Ошхона, тиббий пункт, гигиена ҳамда ота-оналар билан суҳбатлашиш, мутолаа ва дам олиш хоналари ва бошқа қулайликлар мавжуд.

Ёзги спорт майдони, стадион, ўқув корпуслари, иккита спорт зали ишлаб турибди. Уларда 9 та спорт секцияси фаолият олиб бормоқда. Натижада, кейинги вақтда айрим ёшларимиз гандбол, кураш, шахмат, футбол каби вилоят терма жамоаларига қабул қилинди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаяпти. Кейинги 3 йилда 12 нафар талабага энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида стипендия бериб борилди. Касаба уюшма ташкилоти ташаббуси билан коллежимизда «Қадр — муқаддас» шиори остида «Шон-шуҳрат» музейи ташкил этилди. Бундан ташқари, бўлажак ватан ҳимоячиларимиз учун касаба уюшма қўмитаси томонидан жамоага махсус кийимлар тиктирилди. Шунингдек, ёш шунқорларга ҳарбий-спорт ўйинлари учун Амир Темур майдончаси ишга туширилди ва қоровул пости ташкил этилди.

Бошланғич касаба уюшмамизда устозлар қатори талабалар ҳам фаол иш олиб боряпти. Айниқса, Зумрад Абдураҳимова, Лобархон Ҳидоятова, Жаҳонгир Ҳайдаров, Турғунпўлат Ёқуббоев кабилар жонкуяр фаоллар сифатида танилиб қолишди.

Фазлиддин БОЙМИРЗАЕВ,
Чортоқ туманидаги Боғистон қишлоқ хўжалик коллежи касаба уюшма қўмитаси раиси, Халқ таълими аълочиси

Фарғона вилояти Тошлоқ тумани пиллакорлари 186 тоннадан зиёд қимматли саноат хомашёси йиғиштириб олди. Мўл ҳосилга «Тошлоқ бош пиллахона» масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам муносиб ҳисса қўшди.

Суратда: Жамият агрономи Насиба Раҳимова.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат



ЎҚУВ

Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройида Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти туман, шаҳар кенгашлари ва тармоқ тизимидаги пойтахт олий ўқув юртлари касаба уюшма қўмитаси раислари ҳамда ҳисобчилари учун ўқув-семинар ташкил этилди.

Амалий кўмак

Унда таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Р.Бедилов ҳамда кенгашнинг бир гуруҳ масъул ходимлари қатнашди.

Семинар қатнашчилари ўз маърузаларида касаба уюшмалари тизимида 2012-2013 йиллар давомида ўтказилган ислоҳотлар, касаба уюшмаларини такомиллаштириш ва оптималлаштириш борасида аниқ ва муайян чора-тадбирларга эътибор қаратди. Бундан ташқари, тармоқ касаба уюшмасида яратилган янги ташкилий ва молиявий тизимни ҳаётга татбиқ этиш, жойларда ижросини таъминлаш ҳамда касаба уюшмаси туман, шаҳар кенгашлари фаолиятини Устав талаблари ва меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этиш каби долзарб масалалар муҳокама этилди.

Шунингдек, бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришда ҳудудий кенгашларнинг ролини янада ошириш юзасидан бир қатор таклиф ва тавсиялар берилди.

Сурайё ЭШНАЗАРОВА

ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛ

Обод Ватан, обод турмуш — интилишларимиз асоси. Истиқлолнинг илк йиллариданоқ олдимизга қўйган улуғвор мақсадларга босқичма-босқич эришаяпмиз. Босиб ўтилган йиллар мазмуни асрларга татигулик. Тараққиёт — шиоримиз, дастуруламалимизга айланган. Мустақиллик боис Самарқанднинг қишлоғу шаҳарлари, аҳоли пунктлари қиёфаси тубдан ўзгарди. Муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини замонавий шаҳарсозлик талабларига мувофиқ реконструкция, модернизация қилиш тизимли тарзда амалга оширилмоқда.

Довонларни ортда қолдирган диёр

Самарқанднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига асос бўла оладиган омиллар бисёр. Вилоят саноатида кейинги беш йилда алп қадамлар ташланди. Жумладан, машинасозлик ва метални қайта ишлаш соҳаси 2,4, кимё саноати 4,3, енгил саноат 2,2, озиқ-овқат саноати 1,9, қурилиш материалари ишлаб чиқариш 3,2 мартага ўсди. Ҳудудда мамлакатимизда биринчилардан бўлиб юк автомашиналари ва автобуслар, рўзғорда асқотадиган шиша идишлар, электр мосламалари, электр соат, атир совун, янги турдаги гилам ва палослар, замонавий мебеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Кечаги афсона бугун ҳақиқатга айланмоқда, десак ҳеч муболаға эмас. Бир замонлар отли етиб, пиёда армонида бўлган Белгия гиламлари орзуси қай бекалар юрагини ўртамаган дейсиз. Ҳеч ким ҳали замон келиб, Самарқанд гиламларининг харидори белгияликлар бўлади, деса ишонмасди ҳам. Бу диёр чеварлари қўлидан чиққан гилам бугун айнан ўша юртда маълум ва машҳур. Асосий харидорлар ҳам ўша мамлакат эканлигига, не дейсиз?!

Маълумки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот замон талабига жавоб бермаса, у фақат омборларнигина тўлдиради. Шу маънода вилоятда фаолият олиб бораётган «Сам Антеп гилам» қўшма корхонаси жамоаси изланишлари таҳсинга лойиқ. Бу ерда маҳсулотга юқори сифат олиб кириш мақсадида қайта жиҳозлаш, модернизация ишларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўтган фурсатда 4 миллион АҚШ доллари миқдорида қўшимча инвестиция киритилиб, яна 45 та янги иш ўрни яратилди. 7,5 миллион долларлик маҳсулот экспортига эришилди. Бугунги кунда вилоятда фаолият кўрсатаётган трикотаж ва чинни буюмлар ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган ускуналарнинг 60, тўқувчилик-тўқимачилик ва атторлик буюмлари ишлаб чиқариш дастгоҳларининг 90, мебел ишлаб чиқаришда эса 80 фоизи янгиланган.

Биргина енгил саноат соҳасида жорий йилнинг ўтган даврида 89 та лойиҳа амалга оширилиб, 14,3 миллиард сўм инвестиция жалб этилди, 234 та янги иш ўрни яратилди. Бир замонлар Булунғурда вино ишлаб чиқаришга ихтисослашган завод бўларди. Бозор иқтисодиёти боис ушбу корхона инқирозга юз тутди. Тадбиркорлар бор бўлсин, уларнинг саъй-ҳаракати боис корхонага қайтадан ҳаёт бахшида этилди. 500 минг доллар миқдорида инвестиция киритилиб, пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Бугатти Шоес»корхонаси ташкил этилди. Эндиликда бу ерда йилига 400 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқариш имконияти бор. Шунингдек, Ўргут туманидаги электропеч ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Сам Нур Тафвиз», оёқ кийимлари ишлаб чиқаришда асқотадиган гарнулалар тайёрлайдиган «Арфа Экспрод», микрокалцид ишлаб чиқараётган «Жомбой жавоҳири» қўшма корхоналари, тиббиёт препаратлари учун резина қопқоқ ва алюмин қоплагичлар тайёрлаётган «Имкон Ҳамидобод», цемент ва металл сендвич панеллар ишлаб чиқараётган «Сам Рос Холод» масъулияти чекланган жамиятлар ҳудуд саноати салоҳиятини оширишга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Истиқлол боис изланиш, интилиш орқали орзу-умидларимиз рўёбини кўраяпмиз. Бугун деҳқон ҳам, чорвадор ҳам ишлаб чиқарган маҳсулотини ўзи қайта ишлаш ҳақида бош қотира бошлади. Ўсиш-улғайишни ҳар жабҳада кузатиш мумкин. Бундан ўн йил олдин кетмонига таяниб ер олган фермер саноатчига айланиб бормоқда. Бунга жонли мисоллар жуда кўп. Тойлоқ туманида бир замонлар ишлаб чиқариш корхоналари бармоқ билан саналарди. Энди-чи?! Туманда бу йилнинг ўзида 47 та истиқболли лойиҳа амалиётга татбиқ этилиши режалаштирилган. Ҳудуд шароитидан келиб чиққан ҳолда мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш саноати жадал ривожланмоқда. Бу ишда қишлоқ мулкдорлари бўлмиш фермерлар алоҳида ташаббус кўрсатмоқда. Тумандаги «Зироват инвест» фермер хўжалиги томонидан лойиҳа қиймати 1 миллиард 50 миллион сўм бўлган картошка уруғлиги ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона, «Маҳмудхон Саъдуллахон» фермер хўжалиги лойиҳа қиймати 120 миллион сўмни ташкил этадиган мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхонасини ташкил этиш арафасида. «Сиёб саховати» қўшма корхонаси йиллик қуввати 5 минг тонна бўлган ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ва қадоқлаш линияларини ишга туширишга ҳозирлик кўрмоқда. «Тойлоқ бахмал» шўъба корхонаси лойиҳа қиймати 4 миллиард 700 миллион сўм бўлган сут маҳсулотларини қайта ишлаш тараддудида.

Туманда ноозиқ-овқат, қурилиш маҳсулотларига талаб катта. Эҳтиёжни қоплаш мақсадида бу йил 3 та енгил саноат, 4 та қурилиш моллари, 2 та ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, 8 та хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича истиқболли лойиҳалар амалга оширилиши мўлжалланмоқда.

Саноат корхоналари нафақат ички, балки ташқи бозордаги синовларда тобланиб, ўз мижозлари эътирофига сазовор бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Айни чоғда вилоятда фаолият кўрсатаётган 450га яқин корхона томонидан дунёнинг 125 дан ортиқ мамлакати билан ташқи иқтисодий муносабатлар ўрнатилган. Ҳудудий тасарруфдаги корхоналар томонидан амалга оширилган экспорт ҳажми 2008 йилда 28,4 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб 94,3 миллион доллар миқдорида маҳсулот экспорт қилинишига эришилди. Четга мол сотаётган корхоналар сони кейинги беш йилга нисбатан 8 тага кўпайди.

Деҳқончиликнинг минг йиллик тажрибасига асосланган замин соҳибкорлари маҳсулот етиштириш салмоғини кўпайтириш йўлида тинмай изланиб келмоқда. «Интенсив боғ» яратиш тажрибаси амалиётда тўла ўзини оқлаяпти. Биргина Оҳалик боғларида етиштирилаётган сархил мевалару, серҳосил пастак дарахтлар айни бизбоп экан. Сув сарфини бир неча баробар тежаш билан бир пайтда йиғиб-териб олишга ҳам жуда қулай. Энг юқори шохдаги мевани ҳам лат едирмасдан қўлда бемалол йиғиб олса бўлади. Ана шу хилдаги боғлар бугун Оқдарё ва Жомбой туманларида кўпаймоқда. Мамлакатимиздаги бу услубда барпо этилган боғларнинг 70 фоизи Самарқандда яратилганлигида ҳам ўзига хос маъно бор, албатта.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, ижтимоий маиший шароит яратиш асосий вазифа бўлиб келмоқда. Қишлоқда янги турар жойлар қуриш жадал олиб борилаяпти. Ўтган йили вилоятда 1000 та «Намунавий лойиҳа» асосида уй-жой барпо этилган эди. Жорий йилда 1050 та ана шундай уй-жой қад ростлайди. Янги массивларда 18 та бозор инфратузилма объектлари, жумладан 2 та гузар, 7 та савдо мажмуаси, 1 та бозор, 2 та новвойхона, 6 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилиб ишга туширилади. Айни дамгача 24 километр газ, 45 километр сув узатиш тармоқлари ҳамда умумий майдони 253,3 кв.м уй-жой қуриб топширилди.

Олис ва чекка қишлоқларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Жорий йилда 107 та ана шундай аҳоли масканлари тоза сув билан тўла таъминланади.

Вилоят ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ўртасида имзоланган уч томонлама келишувда аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида ўрин берилган. Негаки, меҳнат ресурсларида иқтисодий фаол аҳолининг улуши 70,5 фоизни ташкил этган бир пайтда унинг муайян қисми иқтисодий нофаол саналади. Шу йилнинг 1 апрелига қадар «Бандлик дастури»га асосан 23559 та янги иш жойлари яратилди. Бунинг 18146 таси қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлашга қаратилди. Аҳолини иш билан таъминлашнинг барча манбаларидан фойдаланилмоқда. Айниқса, қишлоқда яшовчиларни фойдали юмуш билан банд этишнинг барча зарур чора-тадбирлари кўрилаяпти. Жумладан, коллеж битирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб этиш, ўз бизнесларини ташкил қилишга кўмаклашиш мақсадида тижорат банклари томонидан 20 минг нафарига кредит берилади. Фаолият кўрсатаётган 7959 та фермер хўжалигининг ҳар бирида бир нафардан ҳисобчи, иш бошқарувчи, 10 та фермерга бир нафардан ҳуқуқшунос, аграном мутахассисларини ишга қабул қилиш ташкил этиляпти. Бу йил меҳнат бозорига кириб келадиган ишчи кучи таклифи ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш якунлари ҳамда хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади. Бунга кўра, 93 894 та янги иш ўринлари яратилади.

Аҳоли саломатлиги муҳофазаси энг эътибордаги соҳа бўлиб қолаяпти. Айниқса, қишлоқ аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, жойлардаги тиббиёт муассасалари шарт-шароитини яхшилаш, жиҳозлашда муайян ютуқлар қўлга киритилди. Ҳозирги кунда замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари сони 2000 йилга нисбатан 2 баробарга ошди. Уларни кадрлар билан таъминлаш муаммоси деярли ҳал этилди. Бу хайрли ишларнинг натижаси ўлароқ оналар ва гўдаклар ўлими ўтган ўн йилда уч баробарга камайди. Самарқанд шаҳрида 160 миллион доллар маблағ йўналтирилиб, скрининг маркази ташкил этилди. Марказда ҳудудда яшовчи 22 минг нафар бўлажак она ва 66 минг янги туғилган чақалоқ текширувдан ўтказилди. 179 та туғма ногиронликнинг олди олинди.

Битимга мувофиқ вилоятда истиқомат қилаётган 1641 нафар муҳтож ва ногиронларга 374 миллион сўмлик манзилли ёрдам кўрсатилди. 1303 та кам таъминланган оилага парранда, 750 тасига қорамол, 710 нафар ногиронга реабилитация техник воситалари ва протез ортопедия жиҳозлари олиб берилди. 3468 нафар фуқаро бепул сиҳатгоҳ йўлланмалари билан таъминланди.

Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлардан 358 нафари газета ва журналарга обуна қилинди, 583 нафарининг уй-жойлари таъмирланди.

Аҳоли саломатлигини муҳофазалашда спортнинг ўрни беқиёс. Айниқса, қишлоқ аҳлини спортга жалб этиш борасида тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Вилоятда 57 та стадион, 4338 та спорт майдони, 12 та сузиш бассейни, 50 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ёшлар ихтиёрига бериб қўйилган. Яна 15 та болалар спорти объектлари қурилиши мўлжалланаяпти.

Бир сўз билан айтганда, Обод турмуш йилида вилоят инвестиция дастури асосида 1,4 триллион сўмлик инвестиция жалб қилинади. Бу ўтган йилдагига нисбаттан 95,5 миллиард сўм кўп деганидир.

Бугун элликдан ортиқ мамлакатлар мумтоз санъати вакилларини пешвоз қаршилашга шай турган афсонавий шаҳардаги ободончилик, бунёдкорлик ишларининг ўзи бир мавзу. Кўҳна шаҳар анъанавий «Шарқ тароналари» иштирокчиларини ўз бағрига чорлаб турибди. Ҳадемай Самарқанддан таралган наволар Истиқлол тантаналарига уланиб кетади.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Surxondaryo mulk markazi» MChJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига такроран қўйилаётган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ Республика Суд қарорларини ижро этиш судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг 2013 йил 28 май 19-05/02-124-сонли хатига асосан Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси балансида бўлган, Термиз шаҳри Ш.Рашидов кўчаси 80-уй манзилида сақланаётган:

1. ГАЗ-3110-101 русумли, давлат рақами 19 АА 313 бўлган, 2003 йилда ишлаб чиқарилган таъмирталаб автомашина. **Бошланғич баҳоси 6 735 960 сўм.**

2. ГАЗ-3110-101 русумли, давлат рақами 19 АА 317 бўлган, 2003 йилда ишлаб чиқарилган таъмирталаб автомашина. **Бошланғич баҳоси 6 735 960 сўм.**

Аукцион савдоси 2013 йил 12 июл куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2013 йил 12 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 26 июл кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 12 июл учун, 2013 йил 10 июл ва 2013 йил 26 июл куни учун, 2013 йил 24 июл куни соат 18:00.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини SMM МЧЖнинг ХОАББ «Траст банк» Термиз шаҳар филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р 20208000904941294001, МФО 01063, ИНН 302125729.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси.

25 октябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома.

Хизматлар лицензияланган.

Вниманию организаций и предприятий!
ИК по КС Хокимията Навоийской области.
ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ.

На объект: **ЛОТ№20.**

Лот №20-1. «Строительство внутренних автодорог массива «Дустлик» ССГ Нарпай Карманинского района Навоийской области».

Срок окончания работ, установленный заказчиком **3 месяца.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 144 933 793 сум, с НДС 173 920 551 сум.**

Лот №20-2. «Строительство внутренних автодорог массива «Хазара» ССГ Хазара Карманинского района Навоийской области (0,4км)».

Срок окончания работ, установленный заказчиком **3 месяца.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 141 953 938 сум, с НДС 170 344 726 сум.**

Лот №20-3. «Строительство внутренних автомобильных дорог при застроенных домах 2012 года в массиве «С.Умаров» ССГ Нарпай Карманинского района Навоийской области».

Срок окончания работ, установленный заказчиком **3 месяца.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 144 428 460 сум, с НДС 173 314 152 сум.**

Лот №20-4. «Строительство внутренних автомобильных дорог при застроенных домах 2012 года в массиве «Узбекистан» ССГ Бустон Кизилтепинского района Навоийской области».

Срок окончания работ, установленный заказчиком **3 месяца.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 294 459 535 сум, с НДС 353 351 442 сум.**

Лот №20-5. «Строительство внутренних автомобильных дорог при застроенных домах 2012 года в массиве «Байхо» ССГ Бешработ Навбахорского района (0,487)».

Срок окончания работ, установленный заказчиком **3 месяца.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 101 308 962 сум, с НДС 121 570 754 сум.**

Лот №20-6. «Строительство внутренних автодорог массива «Галабек» ССГ Узбекистан Хатирчинского района Навоийской области».

Срок окончания работ, установленный заказчиком **3 месяца.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 145 513 124 сум, с НДС 174 615 749 сум.**

Заказчик **ИК по КС Хокимията Навоийской области.**

Расположенный **г.Навоий, ул.Навоий-63.**

Финансирование проекта будет осуществляться за счет средств государственного бюджета.

(конкурсные торги проводятся исключительно среди организаций малого бизнеса).

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г. Навоий, ул. Гвасалия 2А, тел. 22.5.49.96, 22.5.47.98

Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навоий, ул.Гвасалия – 2А,

тел; 22.5.49.96, 22.5.47.98

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

Услуги лицензировано.

Утганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раҳбарияти ва жамоаси Федерация Кенгаши канцелярия мудири Феруза Тошматовага волидаи муҳтарамаси

Фарида РЎЗМУҲАМЕДОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Муборакнефтгаз» ҳамда «Муборак газни қайта ишлаш заводи» унитар шўъба корхоналари жамоаси халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши депутати, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Жумақул Қурбоновга ўғли

ЭЛЁРБЕКнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси молия бўлими етакчи мутахассиси Али Эшматовга падари бузруквори

ШАМСИДДИН отанинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ishonch
2013-yil 11-iyun № 70 (3263)

Бир олам таассуротлар билан

Бухорода «Универсиада — 2013» мусобақалари якунланди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Шаҳар марказидаги нефт ва газ саноати касб-ҳунар коллежининг спорт зали, бассейн, ўқувчилар турар жойлари, ўқув корпуслари капитал таъмирланди. Бухоро олимпия захиралари спорт коллежи, «Ҳумо», «Семурғ» мажмуалари, «Дилкушо» теннис марказида катта ҳажмдаги қайта қуриш ва таъмирлаш ишларининг олиб борилгани мусобақаларнинг юқори савияда ўтказилишида ўзининг ижобий натижасини берди.

Уч кун давом этган беллашувларда 1020 нафардан ортиқ талаба-ёшлар спортнинг 12 тури бўйича юқори натижаларга эришиш учун қизғин ва муросасиз баҳс олиб борди. Жумладан, Бухоро муҳандислик-технология институти спорт залида баскетбол мусобақалари ўтказилди. Унда мезбонлар жамоаси универсиаданинг олтин медалига сазовор бўлди. Тошкент шаҳри ва Андижон вилояти жамоалари кейинги совринли ўринларни эгалладилар. Қизлар баҳсида навоийлик ёшларга омад кулиб боқди. Улар финалда наманганлик тенгдошлари устидан ғалаба қозондилар. Кейинги ўрин Қорақалпоғистон Республикаси вакилларига насиб этди.

Гандбол мусобақаларида Тошкент шаҳрининг йигитлар ва қизлар жамоаларининг қўли баланд келди. Беллашувларда Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари спортчилари иккинчи, хоразмлик йигит ва қизлар учинчи ўринларни қўлга киритди. Кураш беллашувларида эса Тошкент шаҳри полвонлари биринчи, самарқандликлар иккинчи, андижонликлар учинчи бўлишди. Дзюдо ва белбоғли кураш баҳсларида пойтахт жамоаси қўш олтин медални қўлга киритган бўлса, кумуш ва бронза медаллари Андижон ҳамда Бухоро жамоаларига топширилди. Шахмат ўйинчиларида умумжамоа ҳисобида Сурхондарё вилояти талабалари кучли маҳоратга эга эканликларини намойиш этиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олдилар. Бу борада Тошкент шаҳри иккинчи, қашқадарёлик спортчилар учинчи бўлишди. Футбол мусобақаларида ҳам пойтахт жамоаси рақибларига имкон қолдирмай, бош мукофот соҳиби бўлди.

«Бухоро» стадионида ўтказилган енгил атлетика мусобақалари чаққонлик ва эпчиллик намойишига айланди. 110 метрга тўсиқлар оша югуришда Артём Дятлов (Сирдарё) 100 метрга тўсиқлар оша югуришда Ирина Асанова (Тошкент ш.), узунликка сакрашда Никита Логинова (Тошкент ш.), Дарья Резниченко (Тошкент ш.), 800 метрга югуришда Фахритдин Ҳамраев (Сурхондарё), Зарнигор Ортиқова (Самарқанд), 5000 метрга югуришда Роман Штукан (Жиззах), ядро улоқтиришда Екатерина Воронина (Тошкент ш.), Санжар Ҳамидов (Бухоро) мухлислар меҳрини қозонишди.

Бир сўз билан айтганда, мусобақаларнинг ҳар бир тури таассуротларга бой тарзда кечди. Ғолиб ва совриндорларга универсиаданинг медаллари топширилди. Универсиада чин маънодаги ёшлик, дўстлик, баркамоллик ва спорт байрамига айланди. Мусобақа иштирокчилари, мезбонлар ва меҳмонлар фикрлари билан қизиқдик:

Достон Сайдалиев (Фарғона):

— Бухорода универсиаданинг юқори савияда ўтказилиши учун пухта тайёргарлик кўрилгани, қатнашчилар учун жуда қулай шароитлар яратилгани мени мамнун этди. Қадимий ва навқирон шаҳардан катта таассурот билан қайтаяпман. 100 ва 200 метр масофага югуришда биринчи ўринни эгалладим.

Жаббор Ҳакимов (Бухоро):

— Универсиадага тайёргарлик, уни ўтказиш тадбирларига гувоҳман. Ушбу йирик тадбир туфайли шаҳар ва қишлоқларимизга янгича файз кириб келди. Улкан ўзгаришлар рўй берди.

Эргаш Сариев (Сурхондарё):

— Бундан 20 йил аввал Бухорода бўлгандим. Бугун оиламиз билан яна ушбу қадимий шаҳарга келдик. Таниб бўлмас даражадаги ўзгаришлар бизни лол қолдирди. Дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш мақсадида фарзанд ва невараларимни Бухородаги олий ўқув юртларида таълим олишга юборишни ният қилдим.

«Универсиада — 2013» якунида ғолиблар муносиб тақдирланди. Биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри жамоасига мамлакатимиз Президентининг иштирокчиларга йўллаган табригининг асл нусхаси ва «Дамас» автомашинаси топширилди. Иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари — Самарқанд, Андижон вилояти жамоаларига ҳам «Дамас» автомашинаси совға қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 14 та компютер жамланмаси универсиада ғолибларига тақдим этилди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири.
Муҳаммад АМИН,
Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА)
олган суратлар

БАДИИЙ ГИМНАСТИКА

Янги юлдузлар бўй кўрсатди

Тошкентда бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва«Happy Caravan» халқаро турнири бўлиб ўтди.

Халқаро гимнастика федерацияси шафелигида Осиё гимнастика уюшмаси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда мамлакатимиз Гимнастика федерацияси томонидан ташкил этилган мусобақада Ўзбекистон, Жанубий Корея, Япония, Хитой, Сингапур, Малайзия, Таиланд, Ҳиндистон, Мўғулистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Исроил, Россия каби давлатлардан икки юз нафардан зиёд гимнастикачи ғолиблик учун баҳслашди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишга доимий эътибор қаратилмоқда.

Бу жараёнда спортнинг қизларга хос нафис тури — бадиий гимнастикани янада оммалаштириш, малакали мураббий кадрларни тайёрлаш ва уларнинг фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бадиий гимнастика бўйича жойларда ҳудудий федерациялар ва марказларнинг ташкил этилгани самарасида спортнинг ушбу нафис тури билан мунтазам шуғулланаётган қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Мамлакатимизда бадиий гимнастиканинг жадал оммалашаётгани қизларимизнинг жисмонан ва маънан соғлом вояга етишига хизмат қилиш билан бирга, улар орасидан халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчилар етишиб чиқишида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу пойтахтимизда ўтган бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва «Happy Caravan» халқаро турнирида яна бир бор ўз ифодасини топди.

Тўрт кун давом этган мусобақада яккаликлар ва гуруҳлар ўртасида кўпкураш ва алоҳида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича финал беллашувлари ўтказилди. Гимнастикачи қизларнинг ҳалқа, тўп, булава ва тасма билан машқ бажариши, мусиқа ва ритмни яхши ҳис этиши, чаққон ва нафис ҳаракатлари мухлисларга завқ бағишлади.

...Ҳаяжонли дамлар — ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими бошланди. Томошабинларнинг гулдурос қарсаклари остида майдонга яккалик ва гуруҳ беллашувларида совринли ўринларни эгаллаган гимнастикачилар кириб келди.

Осиё чемпионатининг алоҳида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича финал мусобақасида спортчимиз Жамила Раҳматова бир кумуш ва уч бронза, Майя Филиппова бронза медални қўлга киритди. Гуруҳ машқларининг «уч ҳалқа ва икки тасма» деб ном олган турини бажаришда хитойлик гимнастикачилар биринчи бўлди.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Happy Caravan» халқаро турнирида иштирок этган ёш спортчиларимиз ҳам ўз маҳорат ва истеъдодини муносиб намойиш қилди. Булавада машқ бажаришда Нилуфар Шомуродова, тасмада машқ бажаришда Зулфия Йўлдошева иккинчи ўринни эгаллади. Гуруҳлар ўртасидаги баҳсда вакилларимиз биттадан кумуш ва бронза медалга сазовор бўлди.

Тантанали маросим таниқли санъаткорлар ижросидаги катта концерт билан якунланди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири.

Суратда: мусобақа ғолиби ва совриндорлари.

Аъло АБДУЛЛАЕВ
(ЎзА) олган сурат

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР

Дунё шунинг учун ҳам гўзалки, унда сабр-матонат, вафо-садоқат деган муқаддас туйғулар бардавом. Ҳар гал шу ҳақда ўйлаганимда Марғилон шаҳридаги Аҳмад Яссавий номли маҳаллада умргузаронлик қилаётган Ғофуржон ота Содиқов кўз ўнгимдан ўтади. Бу йил баҳорда 100 ёшни қарши олган табаррук отахоннинг машаққатли ҳаёт йўли ҳақидаги ҳикояларни эшитиб, ўзингиз учун топиб бўлмас сабоқ чиқарасиз.

ТАБАРРУК ОТАХОН

Отахон фарзандлари, невараларари ардоғида. Табаррук ёшдаги бобони зиёрат қилувчилар кўп. Отахон ҳар бир меҳмонни ардоқлаб, суюниб дуо қилади:

— Биз кўрган кунлар сизлар учун эртакка айлансин. Мустақилликнинг қадрига етинглар, Ватанни севинглар, тупроғини кўзга суртинглар, шуни унутманглар, болаларим, бу дунёда тинчлик-осойишталикдан улуғроқ бойлик йўқ. Уруш навқирон пайтимизга тўғри келди, — деди Ғофуржон ота. — Биз марғилонлик йигитлар ҳам фронтга отландик. Кўплаб шаҳарлар, қишлоқларни душмандан озод этиш учун бўлган оғир жангларда жон олиб-жон бердик.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ғофуржон ота хизматларига яраша давлатимиз томонидан 1994 йили «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Шаҳар ҳокимлиги, «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими, қуни-қўшни, қариндош-уруғ отахонни тез-тез йўқлаб туришади.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси

Мамлакатимиз ёшлари ўртасида тобора нуфузи ошиб бораётган лойиҳалардан бири - «Келажак овози» кўрик-танловининг Қашқадарё вилоят босқичи якунланди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида ташкил этилган танловда шаҳар ва туманлардан саралланган, 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган 922 нафар иштирокчи ўз лойиҳалари, рационализаторлик таклифлари ва ижодий ишлари билан қатнашди. Улар орасидан анъанавий ва амалий санъат, ахборот технологиялари ва рационализаторлик таклифлари, техник лойиҳалар, ишланмалар, архитектура ва дизайн, бадиий ижод ва публицистика номинациялари бўйича 40 нафардан ортиқ энг иқтидорли йигит-қиз мамлакатимиз босқичига йўлланма олди.

Суратда: кўрик-танлов иштирокчиси Феруза Каримова.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ
(ЎзА) олган сурат

«Касаба сайр»нинг сифатли хизмати

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Тадбир Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг буюртмасига асосан «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, ёш оилаларни юртимиздаги тарихий обидалар, мустақиллик йилларида олиб борилган бунёдкорлик ишлари билан таништириш мақсадида амалга оширилди. Икки кун давомида саёҳатчилар Амир Темур мақбараси, Руҳобод, Регистон, Бибихоним, Шоҳи Зинда, Улуғбек расадхонаси ҳамда Имом ал-Бухорий қадамжоларида бўлишди. Шаҳар тарихи ва мустақиллик йилларида барпо этилган мажмуалар билан танишди. Улар кечки пайт Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан барпо этилган барча шароитга эга, замонавий «Нодир Самарқанд» меҳмонхонасига жойлашишди.

Таъкидлаш керакки, касаба уюшма корхонаси иш бошлаганига ҳеч қанча вақт бўлмаганига қарамай, бир талай ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1 июнда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 95 йиллиги муносабати билан Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан университетнинг 90 нафар профессор-ўқитувчисининг Самарқанд шаҳрига бир кунлик саёҳати ташкил этилди. Шунингдек, Муборак, Нишон ҳамда Ғузор туманлари умумтаълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда маданият муассасаларида ишловчи 41 нафар кам таъминланган ўқитувчининг оилавий Тошкент шаҳрига 2 кунлик дам олиш саёҳатлари уюштирилди. Саёҳат давомида ўқитувчилар Ҳасти-Имом мажмуаси, Мустақиллик майдони, «Мотамсаро она» ҳайкали, Темурийлар тарихи музейи, Амир Темур хиёбони, Халқаро форумлар саройи, Ғафур Ғулом номидаги истироҳат боғини томоша қилди.

— «Касаба сайр» хизматидан жуда миннатдормиз, — дейди Тошкент шаҳрига саёҳат қилган Ғузор тумани 47-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ўткир Бойназаров. — Саёҳатга турмуш ўртоғим Гавҳарой билан бирга келганмиз. Корхона хизматчилари, меҳмонхона ходимлари ширинсуханлик билан хизмат кўрсатишди. Ҳамма нарсани бирма-бир тушунтириб беришди. 1997 йили пойтахтдаги олий ўқув юртини битирганман. Қарангки, ўтган давр мобайнида пойтахтимиз жуда ўзгариб кетибди. Ҳар тарафда муҳташам бинолар қад ростлаган. Бири-биридан ажиб боғлар яшнаб турибди. Айниқса, Алишер Навоий номидаги кутубхонани кўриб, ҳайратим ошди. Айнан шу маскан қад ростлаган жой кечагидек ёдимда. Пастқам, эски бинолар билан ўралиб турарди. Истиқлолимиз шарофати билан обод бўлаётган пойтахтимизни кўриб, фахр-ифтихор туйдим.

Яқинда шўъба корхона Самарқанд шаҳрига саёҳатларни «Афросиёб» поездида амалга оширишни йўлга қўйди. Жумладан, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ташаббуси билан ташкил қилинган соҳа тармоқларида фаолият юритаётган 50 нафар ходим иштирокидаги саёҳатда ушбу поезд хизматидан фойдаланилди. Шаҳар бўйлаб сайр учун замонавий, барча қулайликка эга автобус ажратилди.

Умуман, корхона ташкил қилингандан буён жами 218 нафар саёҳатчи юқори сифатли туристик хизматлардан фойдаланиб, мароқли дам олдилар.

У. ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari:
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'loniar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
A.Abdullayev
Navbatchi:
S.Abdurahmonov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 21.20

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 611 | 19431 nusxada bosildi | 2345